

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**НАСИМОВ ИКРОМ ХУСАНОВИЧ**

**ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-  
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
В2017.2.PhD/Iqt149 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаев Қулмамат Джанзакович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Сафаров Баходирхон Шаҳриёрович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_” май соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9 уй. Тел.:(998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 9-уй. Тел.:(998 66) 233-34-76; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: [ilm@sies.uz](mailto:ilm@sies.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” май куни тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_” майдаги №\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**Н.Э.Ибадуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

**М.М.Мухаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг бугунги тараққиёти транспорт соҳаси ва транспорт хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантиришни тақозо этади. Бугунги кунда, “транспорт хизматлари кўрсатиш жаҳон меҳнат тақсимоотида муҳим соҳа сифатида дунёдаги банд аҳолининг 8%ни, хўжалик харажатларининг 15%ни ҳамда яратилаётган ялпи маҳсулотнинг 6%ни ташкил этмоқда”<sup>1</sup>. Бу эса транспорт хизматларини самарали ташкил этиш, янги ишчи ўринларини яратиш ва унга турдош тармоқлар фаолиятини ривожлантириш имкониятини беради.

Ривожланган давлатлар тажрибасида транспорт хизматларини ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, транспортда хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда транспорт хизматлари кўрсатишнинг иқтисодиётни ривожланишига таъсирини аниқлаш, транспорт хизматларини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш ҳамда унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда республикамиз иқтисодиётидаги транспорт хизматлари улушини ва хизмат кўрсатиш иқтисодиётига самарасини аниқлашни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида республикамизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, инновацион ривожлантиришга қаратилган ислохотлар натижасида транспорт хизматлари кўрсатиш соҳаси янги босқичга кўтарилди. Республикамизда транспорт хизматлари соҳасини, “... транспорт-логистика инфратузилмасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш...”<sup>2</sup> вазифаси белгиланди. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши транспорт хизматларини кўрсатишни инновацион ривожлантириш учун қатор ташкилий-иқтисодий механизмларни, жумладан мавжуд транспорт хизматлари бозори конъюнктурасини иқтисодий асослаш, транспорт хизматлари худудий кластерини шакллантириш, мазкур соҳанинг институционал асосларини ривожлантиришга асос яратадиган мукамал илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг илмий асослари тадқиқотига бағишланган мавзу долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 10 январдаги

<sup>1</sup> <https://itf-oecd.org>. ITF Transport Outlook

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга Мурожаатномаси”, Халқ сўзи 2017 йил 23 декабр, №258(6952).

“Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-2724-сонли қарори, 2017 йил 2 декабрдаги “2018 – 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-3422-сонли қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш муаммолари Т.Д.Бурменко, М.А.Вахрушина, В.П.Бычков, Д.А.Дубровский, В.Е.Рыбалкин, М.Э.Немоляева, Г.Е.Савицкая,<sup>3</sup> каби мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан атрофлича ўрганилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ушбу соҳа бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси муаммолари бўйича Ё.А.Абдуллаев, А.В.Вахобов, С.С.Ғуломов, М.Э.Пўлатов, Н.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, М.М.Мухаммедов, И.С.Тухлиев, Б.Ш.Сафаров, О.Х.Хамидовлар<sup>4</sup>нинг ишларида тадқиқ қилинган, аммо мазкур илмий ишларда хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги, айниқса транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муаммолари, транспорт хизматлари кўрсатишга таъсир этувчи омиллар таҳлили ва унинг

<sup>3</sup> Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика. Учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н.Даниленко, Т.А.Туренко. – М.: КНОРУС, 2007. – 328 с.; Бухгалтерский учет в сфере услуг. Учебник. М.А.Вахрушина, Т.П.Карпова, А.М.Петров и др.- М.: Рид Групп, 2011. – 576 с.; Бычков В.П. Предпринимательская деятельность на автомобильном транспорте. – СПб.: Питер, 2004. – 448 с.; Дубровский Д.А. Прибыльный автосервис. Советы владельцам и управляющим. - СПб.: Питер, 2010. – 256 с.; Рыбалкин В.Е. Международные экономические отношения. Учебник / М.: Юнити, 2012. – 312 с.; М.Э.Немоляева Международный туризм: вчера, сегодня, завтра. - М., 1985. – 175 с.; Г.Е.Савицкая Аналог хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие / Минск ООО “Новое издание”, 2000 – 688 с.

<sup>4</sup> Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари. – Т.: Мехнат, 2002. – 297 б.; Вахобов А. Иқтисодий назарияси – Т.: Иқтисод-Молия, 2014. – 424 б.; Ғуломов С.С., Додобоев Ю.Т. Политика доходов и заработной платы: Учебное пособие. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. -230с.; Пўлатов М.Э. Бизнес фаолиятини баҳолаш интеграл мезонини ҳисоблаб чиқишнинг замонавий моделлари// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2011. - №4. - Б.23 -26.; Тухлиев Н. Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. Т.: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 424 с.; Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография.-Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014.- Б. 19.; Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014.; Мухаммедов М. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.Тухлиев И., Кудратов Ғ., Пардаев М. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: "Иқтисод ва молия" 2008.- 262 б.; Б.Ш.Сафаров Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016, 184 б.; О.Х.Хамидов “Транспорт сервисини ташкил этиш” фани бўйича таълим технологияси. Тошкент – “ТДИУ” – 2006.

истикболлари етарлича ўз аксини топмаган. Бу ҳолат эса мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари” 2016-2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иқтисодиётда транспорт хизматлари моддий-техника базасининг ривожланишини ва логистик бозор талабини ҳисобга оладиган “транспорт хизматлари кўрсатиш”, “хизматлар бозори”, “транспорт хизматлари бозори” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан асослаб бериш;

транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва амал қилишининг миллий ва хориж тажрибасини ўрганиш асосида уни ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

республикамизда транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда ҳудудий транспорт хизматлари кластерини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

Ўзбекистонда транспорт хизматини кўрсатишни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган илмий асосланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасидаги транспорт хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришда амалга оширилаётган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, мантикий ёндашув, SWOT-таҳлил, омилли таҳлил, иқтисодий-математик ва статистик таҳлил, социологик сўровнома усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётда транспорт хизматлари моддий-техника базасининг ривожланишини ва логистик бозор талабини ҳисобга оладиган “транспорт хизматлари кўрсатиш” ва “транспорт хизматлари бозори” тушунчаларининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган;

республикада транспорт хизматлари кўрсатишнинг соҳага оид корхоналар ва давлат тузилмалари ўртасидаги самарали иқтисодий муносабатларини ҳисобга олган оптимал ҳудудий-ташкилий тузилмани шакллантириш, нархларни дифференциациялаш ҳамда транспорт соҳаси рақамли иқтисодиёти асосида ташкилий-иқтисодий механизмлар таклиф этилган;

республикада юқори самара берувчи транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг узлуксиз фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий транспорт хизматлари кластери ишлаб чиқилган;

транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган илмий асосланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

транспорт хизматлари истеъмолчиларининг ушбу хизматлардан қай даражада қониқишини ҳисобга олган ҳолда баҳоланишини белгилайдиган транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

транспорт хизматлари кўрсатиш жараёнини самарали фаолиятини таъминловчи оптимал ҳудудий-ташкилий тузилма, хизмат кўрсатиш нархлари дифференциацияси ҳамда транспорт соҳаси рақамли иқтисодиёти каби ташкилий-иқтисодий механизмлар унсурлари ишлаб чиқилган;

республикада транспорт хизматлари соҳасини инновацион ривожлантириш ва хизматлар истеъмолчиларининг эҳтиёжларини кам харажат эвазига сифатли қондириш вазифаларни амалга ошириш имконини берувчи ҳудудий транспорт хизматлари кластери амалиётга таклиф этилган;

Ўзбекистонда транспорт хизматини кўрсатишни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасининг истиқболдаги тараққиётини ақс эттирувчи илмий асосланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда илмий натижаларнинг ишончлилиги қўлланилган услубий ёндашув ва усуллар, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг апробациядан ўтказилгани, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилингани ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** диссертация натижалари республикада транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришга йўналтирилган аниқ тавсияларнинг назарий ва методик

асосларини шакллантириш имконияти мавжудлигида ифодаланади. Бу тавсиялар мажмуаси транспорт корхоналар хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва шу асосда истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш шароитини туғдирувчи бошқарув тизимини жорий қилиш имкониятини яратади. Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида транспорт ва хизматлар соҳасида иқтисодчилар, менежерлар, маркетинглар, магистрларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг назарий-илмий хулосалари ва методик тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятида ва Самарқанд вилоятининг 2021 йилгача мўлжалланган транспорт соҳасини ривожлантириш дастури кўрсаткичларини амалга ошириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар амалиётда қўлланилиши асосида:

иқтисодиётда транспорт хизматлари моддий-техника базасининг ривожланишини ва логистик бозор талабини ҳисобга оладиган “транспорт хизматлари кўрсатиш” ва “транспорт хизматлари бозори” тушунчаларининг такомиллашган таърифлари олий таълим бакалавриат йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-002м-сон гувоҳномаси). Натижада транспорт хизматлари кўрсатишнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тизимли ва кенгроқ тушуниш орқали уни ташкил этишнинг истиқболли йўналишлари бўйича талабаларда назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳосил қилишга эришилган;

республикада транспорт хизматлари кўрсатишнинг соҳага оид корхоналар ва давлат тузилмалари ўртасидаги самарали иқтисодий муносабатларини ҳисобга олган оптимал ҳудудий-ташкилий тузилмани шакллантириш, нархларни дифференциациялаш ҳамда транспорт соҳаси рақамли иқтисодиёти асосида ташкилий-иқтисодий механизмларга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 02-02/2112 сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши транспорт хизматлари кўрсатишнинг самарали фаолият тизимини шакллантиришга имкон яратади;

республикада юқори самара берувчи транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг узлуксиз фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий транспорт хизматлари кластери Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 4 апрелдаги 02-30/1878 сон маълумотномаси). Ушбу кластерни амалиётга жорий қилиш

турдош корхоналар фаолиятини ягона мақсадга йўналтиришга хизмат қилади;

транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган илмий асосланган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 02-02/2112 сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида республикада транспорт хизматлари ҳажмининг юқори суръатда ўсишига эришилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижасида олинган хулосалар ва илмий натижалар 8 та халқаро ҳамда 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий натижалари 18 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шулардан 5 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда, шунингдек халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза тезислари нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва самарадорлигини баҳолашнинг илмий-назарий ва методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва диверсификациялашнинг илмий – назарий асослари ҳамда ташкилий – иқтисодий механизмлари, транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг методологик асослари ва усуллари, транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва оширишнинг илмий-амалий асослари, транспорт хизматлари кўрсатишга доир хорижий тажрибалар ва улардан республикамиз иқтисодиётида фойдаланиш йўналишлари белгилаб берилган.



Дунё миқёсида содир бўлаётган глобаллашув жараёни ишлаб чиқариш кучларининг барча таркибий элементларини, шу жумладан транспорт воситаларини улар томонидан амалга ошириладиган хизматларни сифат жиҳатдан замон талабларига мос ташкил этиш ва ривожлантириш нуқтаи назардан янгича инновацион ёндашувларни объектив заруриятга айлантиришини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, экологик тоза ва юқори даражадаги иқтисодий самара берувчи транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ҳамда унинг инфратузилмасини шакллантирмасдан ва доимий равишда такомиллаштирмасдан туриб, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланган жамият негизини барпо этиш мураккаб кечади.

Транспорт воситалари томонидан кўрсатиладиган турли хизматлар сифати ва самарадорлигини тўғри аниқлаш ўз навбатида ушбу соҳа фаолиятига боғлиқ бўлган атамаларни илмий-назарий асослашни тақозо этади. Бу жараёнда илмий-назарий жиҳатдан транспорт соҳасининг фаолиятини ифодаловчи тамойилларни чуқур билиш муҳим аҳамиятга эга. Улардан энг асосийларидан бири, фикримизча, транспорт воситалари томонидан бажариладиган йўловчи ва юк ташиш хизматларининг доимий мавжудлиги ва мунтазамлигидир. Зеро, зарур барча ресурсларни истеъмолчиларга ўз вақтида ва мунтазам етказиб бериш иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг энг асосий шартларидан биридир. Бинобарин, агар замонавий транспорт воситалари ва ривожланган йўллар бўлмаса, табиат бойликларидан унумли фойдаланиш қийин бўлади.

Бу муаммо ҳозирги кунда республикамиз ва унинг ҳудудлари кесимида, жумладан, туризм соҳасида изчил олиб борилаётган ислохотларга ҳам тегишли бўлиб, уларнинг манзилли ва мақсадли ечимларини топишда транспорт хизматларининг ўрни ва аҳамияти янада ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан “...туристларга транспорт хизматлари кўрсатишни туристларни ва уларнинг юкларини бир жойдан иккинчи жойга мумкин қадар тез ва қулай шароитларда ташиш учун мўлжалланган хизматлар мажмуи деб таърифлаш мумкин.”<sup>5</sup>

Транспорт хизмати фақатгина хўжалик вазифаларини ҳал этишдагина муҳим бўлмай, балки йўл-транспорт тармоғини ривожлантириш, қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш, маҳаллий кадрларнинг доимий ишлашига кўмаклашиш ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳам ёрдам беради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, транспорт хизмати айниқса давлат мудофаа қудратини ошириш, унинг жанговор ҳолатини мустаҳкамлаш ва тегишли контингентни мўлжалланган манзилга тезкор етказиб бориш каби йўналашларда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу соҳада темир йўл ва автомобиль транспорти тармоқларининг ўрни айниқса беқиёсдир, зотан ҳарбий қисмлар ва асосий мудофаа воситаларини бир жойдан иккинчи жойга

---

<sup>5</sup> Хамидов О.Х. “Транспорт сервисини ташкил этиш” фани бўйича таълим технологияси. Тошкент – “ТДИУ” – 2006, 4-бет.

кўчириш, асосан, транспортнинг шу икки тури ёрдамида бажарилади.

Тадқиқот жараёнида, транспорт хизматлари хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим йўналишларидан бири сифатида турли тармоқларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ўзига хос таъминот ва хусусиятларга эга эканлигини ҳисобга олиб, “транспорт хизматлари кўрсатиш”, “хизматлар бозори”, “транспорт хизматлари бозори” тушунчаларининг такомиллаштирилган муаллифлик таърифлари берилди. **Транспорт хизматлари кўрсатиши** бу - уларнинг барча турларини амалга оширувчи субъектлар томонидан фойда олиш мақсадида транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, йўловчиларни ташиш ва манзилига етказиб қўйиш, юк ортиш, ташиш, тушириш ва жойлаштириш каби транспорт сервисини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуидир, деб ҳисоблаймиз. Демак, юк ва йўловчиларга кўрсатилаётган транспорт хизматлари ҳам ишлаб чиқариш, ҳам муомала доирасига тааллуқлидир. Жумладан, корхона ичидаги транспорт ёрдамида бажариладиган иш шу корхона ишлаб чиқаришининг таркибий қисми ҳисобланади. Муомала доирасида эса, транспорт турли корхона ва тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатувчи восита ҳисобланади ҳамда транспорт хизматларининг қай ҳолатда эканлиги ва унинг иш бажариш қуввати муомала вақти ва харажатига жиддий таъсир этади.

**Хизматлар бозори** - бу хизмат кўрсатувчилар ва хизматнинг истеъмолчилари ўртасида талаб ва таклиф мутаносиблиги асосида сервис хизматини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган бозор муносабатлари мажмуидир. Шунингдек, **транспорт хизматлари бозори** – бу транспорт хизматлари кўрсатувчи субъектлар ва транспорт хизмати истеъмолчилари ўртасида талаб ва таклиф мутаносиблиги асосида транспорт хизматлари кўрсатиш жараёнида вужудга келадиган логистик бозор муносабатлари мажмуидир.

Ҳозирги кунда республикамиз транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида муаммо ва қийинчиликларнинг мавжудлиги айрим жи-ҳатлардан ҳаракатдаги ташкилий–иқтисодий механизмларнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги билан изоҳланади. Ушбу ҳолат ўз навбатида республикамиз ва унинг ҳудудларида транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасидаги мавжуд ташкилий – иқтисодий механизм унсурларини янги сифат даражасига кўтаришни, уларнинг модификациялашган асосларини яратишни ва, энг муҳими, таъсирчанлигини оширишни тақозо қилади. Шу боисдан 1-расмда транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича муаллифлик ишланмалари ифода этилган. Шунингдек, тадқиқот ишида оптимал ҳудудий-ташкилий тузилма, хизмат кўрсатиш нархларини дифференциацияси, транспорт соҳасида рақамли иқтисодиётнинг криптовалюта, смарт контракт, дата майнинг каби иқтисодий

унсурларидан иборат механизмларини илмий асослашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари республикада транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини оширишга ва бу соҳани келгусида жадал иқтисодий ривожланиши учун ҳам ташкилий ва ҳам иқтисодий шарт-шароитларни яратади.



**1-расм. Транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг ташкилий – иқтисодий механизмлари<sup>6</sup>**

Транспорт хизматлари кўрсатишнинг муҳим хусусиятлари эса қуйидаги 2-расмда келтирилган асосий йўналишлар бўйича таснифланади. Транспорт хизматлари кўрсатишни тадқиқ қилишда уларни бажаришнинг зарурияти ва хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Транспорт хизматлари кўрсатишнинг зарурияти унинг моҳиятидан келиб чиқиб, у қуйидаги хусусиятларда ўз аксини топади:

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**Транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш  
кўрсаткичлари тизими<sup>8</sup>**

№	Кўрсаткичлар гуруҳи	Кўрсаткичларнинг баҳолаш даражаси
1.	<i>Миқдор кўрсаткичлар</i>	Бир иш бирлигини бажариш учун кўрсатилган транспорт хизматлари миқдори: км., тн., минг киши
		Бир кун давомида кўрсатилган транспорт хизматлари ҳажми: маршрут сони, тн., км., минг киши
		Юк ташиш хизмати ҳажми: тн., км.
		Транспортда йўловчи айланмаси миқдори: млрд.(млн.) йўловчи-км.
		Транспорт хизматлари кўрсатиш кўлами: маршрут (радиус)
2.	<i>Қиймат кўрсаткичлар</i>	Транспорт хизматлари кўрсатишда хизмат бирлиги ҳисобига яратилган қўшимча қиймати: сўм
		Транспорт хизматлари кўрсатиш ҳисобига олинган ялпи (соф) даромад: сўм
		Транспорт хизматлари кўрсатиш ҳисобига олинган фойда (соф) фойда: сўм
		Транспорт хизматлари кўрсатиш фаолиятига инвестицияларни жалб қилиш даражаси қиймати: сўм
		Бир бирлик ресурс (транспорт техникаси, меҳнат ва х.к.) ҳисобига бажарилган транспорт хизматлари кўрсатиш қиймати: сўм
3.	<i>Нисбий кўрсаткичлар</i>	Транспорт хизматлари кўрсатиш сифати даражаси: %
		Транспорт хизматларининг белгиланган муддатларда бажарилиши даражаси: %
		Транспорт хизматлари кўрсатишнинг кафолатланганлик даражаси: %
		Транспорт хизматларида илғор технологиялардан (ноанъанавий услублардан) фойдаланиш даражаси: %
		Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг белгиланган меъёр ва талабларга мувофиқлиги даражаси: %
		Транспорт хизматлари кўрсатишнинг экологик мувозанатини сақлаш даражаси: балл, %
		Транспорт хизматлари кўрсатувчи ходимлар малакаси даражаси: балл
		Транспорт хизматлари кўрсатиш рентабеллиги даражаси: %

Бизнингча, транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолашда уларни истеъмол қилувчи мижозлар томонидан транспорт

<sup>8</sup> Манба: Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

корхонаси хизматларидан қониқиш даражасини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, баҳолаш натижаларини таҳлил қилишда транспорт корхоналари томонидан бажарилган иш ва хизматларнинг қай даражада иқтисодий самарадорликни таъминлашга кўрсатган таъсирига боғлиқ бўлишини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларига кўра, республикада иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида транспорт хизматларини кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш ва оширишга қуйидаги омиллар аниқланди:

1. Рақобатбардош транспорти хизматини кўрсатиш тизимини яратиш, ташиш тезлиги ва пассажирларга кўрсатиладиган хизмат сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш баҳосини арзонлаштириш асосида аҳолининг шу транспорт хизматларидан кўпроқ фойдаланишларига эришиш.

2. Логистик транспорт тизимини шакллантириш асосида арзон ва сифатли хизмат кўрсатиш.

3. Транспорт хизматлари кўрсатиш харажатларини камайтириш. Бу борада алоҳида эътироф этиш зарурки, “...тадқиқотларнинг кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатларда автомобилларда ташиш таннархи ривожланган мамлакатларга нисбатан 1,5 баробар юқори экан. Йўл ҳолати таъсирида ташиш тезлигининг пасайиши оқибатида ташиш таннархи 1,5-1,6 марта, автомобилларнинг эксплуатацион харажатлари 1,6-2 баробарга ошар экан”<sup>9</sup>.

4. Республикада алоҳида олинган транспорт хизматлари бозорини шакллантириш асосида хизматлар бозорининг янги сегментларини кенгайтириш, тармоқнинг узоқ муддатли стратегияси ва уни амалга ошириш “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш.

5. Республикада транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантириш учун мазкур соҳага ташқи ва ички инвестицияларни киритишни рағбатлантириш.

Умуман, юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, транспорти хизматлари самарадорлигини баҳолаш ва ошириш истиқболларини илмий асосда белгилаш учун иқтисодий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, улардан ҳар бир ҳолат учун манзилли ва мақсадли фойдаланишни тақозо этади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, транспорт тизимида бошқарувнинг маъмурий моделидан чегараланган рақобат ва давлат назоратидан холис моделларга ўтишда ҳам ижобий, ҳам салбий томонлар мавжудлиги билан характерланади. Жумладан, ижобий натижаларга ҳар бир шаҳарда танланган ўз моделининг бюджетдан олинadиган субсидиялар ҳажмини камайтиришга олиб келишини киритиш мумкин. Масалан, Лондонда субсидиялаш бўйича

---

<sup>9</sup> Т.Қодиров “Автомобиль транспортининг иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрнини баҳолашга ёндашув”, “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2013 йил №11, 38-бет.

80%, Буюк Британиянинг бошқа шаҳарларида - 100%, Копенгаген ва Стокгольмда- 30% тежамкорликка эришилган. Бугунги кунда ушбу шаҳарларда Европадаги йўл кира ҳақи тушумидан харажатларни қоплашнинг энг юқори даражаси кузатилмоқда (Буюк Британияда 80%дан ортиқ ва Скандинавия мамлакатларида 50% атрофида). Салбий жиҳати эса, айтиб ўтиш керакки, Париж (бошқарувнинг маъмурий модели)да ундан олинган натижа тескари бўлиб, 30%ни ташкил этиб, Европада энг кам кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.<sup>10</sup>

Транспорт фаолиятини ташкил этиш бутун жаҳонда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг функциясига асосланади. Маҳаллий ҳукумат органлари аҳолига транспорт хизматлари кўрсатишга жавобгар ва сафарлар буюртмачиси ҳисобланади. Шунингдек, хорижий давлатлар амалиётида аренда, лизинг, концессиялардан ёки акционерлик жамиятларини яратиш каби шакл ва механизмлардан фойдаланилади ҳамда уларга аниқ белгиланган схема бўйича автобус маршрутларини конкурс(тендер)лар ташкил этиш орқали бириктирилади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, транспорт фаолиятини ташкил этишнинг асосий тўртта шаклини ажратиш мумкин: а) жамоат транспортида транспорт хизматлари кўрсатиш ҳуқуқидаги мавжуд ички(коммунал) ташувчилар институти; б) тендер шартномалари асосида маршрутга хизмат кўрсатиш; в) тендер шартномалари асосида маршрут тармоғини бошқариш субъектлари ҳамда г) эркин бозор шартнома шартларининг уйғунлашувига асосланган шакллар.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда транспорт хизматлари кўрсатишнинг амалдаги институционал асослари ва ташкилий – иқтисодий механизмлари**» деб номланган иккинчи бобида транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳозирги ҳуқуқий-меъёрий асослари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари, республика иқтисодиёт тармоқларига кўрсатилаётган транспорт хизматлари турларининг ўзига хос хусусиятлари ва самарадорлик даражасининг ҳозирги ҳолати, транспорт хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва диверсификациялаш муаммолари ва ечимлари, шунингдек, ҳудудий транспорт хизматлари кластерининг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти ёритилган.

Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда умумий хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда кейинги саккиз йиллик давр мобайнида транспорт соҳаси ва унинг асосий субъектлари томонидан иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига кўрсатилган хизматларнинг, шунингдек уларнинг жами хизматлар таркибидаги улуши изчил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу ўзгаришлар қуйидаги 2-жадвалда ўз аксини топган.

---

<sup>10</sup> А.Г.Чурилов Организационно-экономические основы формирования конкурентной среды при реализации муниципального заказа на городские пассажирские автобусные перевозки : автореф. дис.... канд. экон. наук: 08.00.05 / Чурилов А.Г.; [Место защиты: Моск. гос. автомобил.-дорож. ин-т (техн. ун-т)]. – М., 2004. – 22 с.

**Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш ва транспорт хизматларининг  
ривожланиш динамикаси<sup>11</sup>**


№	Кўрсаткичлар	Йиллар:								2017 й. 2010 й.га нисбатан ўзгариш марта, % да
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	
1.	Ялпи ички маҳсулот жорий нархларда, млрд. сўм	61831,2	77750,6	96589,8	118986,9	144867,9	171369,0	199325,1	246925,4	4,0 марта
2.	Хизматлар кўрсатиш жами, млрд. сўм	32749,8	40951,5	51121,1	65524,2	81901	89326,3	90991,7	116795,7	3,6 марта
3.	Транспорт хизматлари кўрсатиш жами, млрд. сўм	10031,3	12350,3	15253,3	18127,2	22163,3	23816,2	26465,7	36217,2	3,6 марта
4.	Транспортда ташилган йўловчиларнинг умумий сони (млн. киши), шунингдек, йўловчилар ташиш:	6045,3	6341,8	6744,3	6988,0	7335,3	7598,2	5560,4*	5679,0*	93,9%
	<i>4.1. Темирйўл транспортида</i>	14,6	14,9	16,0	17,4	19,1	20,1	20,5	21,1	144,5 %
	<i>4.2. Автомобиль транспортида</i>	5935,8	6244,9	6645,1	6893,9	7244,4	7511,4	5480,8	5591,3	94,2 %
	<i>4.3. Ҳаво транспортида</i>	1,9	2,2	2,5	2,4	2,3	2,2	2,1	2,2	115,8 %
	<i>4.4. Шаҳар электр транспортида</i>	93,0	79,8	80,7	74,3	69,5	64,5	57,0	64,4	69,2 %

Таҳлиллар кўрсатишича, бугунги кунда, йўловчиларга транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажми нуқтаи-назардан автомобиль транспорти ҳиссаси 98,46%, темир йўл транспорти - 0,37%, ҳаво транспорти - 0,04% ва шаҳар электр транспорти ҳиссаси 1,13% ни ташкил этмоқда (3-расм).

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

\* Статистик ҳисоб юритиш услубиёти 2016 йилдан ўзгарганлиги туфайли кўрсаткичларда камайиш тенденцияси мавжуд.





**3-расм. Ўзбекистон Республикасида транспорт турлари бўйича йўловчилар ташувининг таркиби (2017 йил)**

Мамлакатимизда транспорт хизматлари ҳажмида автомобиль транспорти улушининг салмоқли ўринга эгаллигини қатор омиллар билан, яъни автомобиль транспорти харажатларининг камлиги, муайян тур хизмат таннархининг пастлиги, хизмат кўрсатиш муддатларининг қисқалиги ва қулайлиги, мижозлар эҳтиёжларини эътиборга олиб, қўшимча хизматларни ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги, хизмат нархларини ўзаро манфаатли келишув йўли билан белгилаш мумкинлиги кабилар орқали асослаш мумкин. Бундан ташқари шуни қайд этиш ўринлики, охириги йилларда автомобиль транспортида корхона ва аҳолига тегишли хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш ва харажатларини камайтириш мақсадида юқори унумдор техника воситаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республика даражасида транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш, инновацион ишланма ва маҳсулотлар асосида модернизациялаш ва соҳа корхоналари фаолиятини диверсификация қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари (самараси) бевосита Самарқанд вилояти мисолида ўз исботини топмоқда. 3-жадвалда вилоятдаги мазкур тармоқ фаолияти кўрсаткичларининг 2010-2017 йиллардаги динамикаси келтирилган бўлиб, унга кўра жами хизматлар ҳажми 2010 йилда 1739,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 6298,6 млрд. сўмга тенг бўлган ёки 8 йилда қарийиб 3,6 марта кўпайган. Шу жумладан, вилоятда транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича 2010 йилда 346,4 млрд. сўмлик даражага эришилган бўлса, у 2017 йилда 1360,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 3,9 марта кўпайтириш таъминланган.

Транспорт хизматлари бозорининг шаклланишини илмий жиҳатдан батафсил ўрганиш учун унинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларига эътибор қаратиш зарур бўлади. Республикаимизда транспорт хизматлари бозорини алоҳида олинган минтақавий (худудий) бозор сифатида шаклланишида хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги рақобат муҳити муҳим роль ўйнайди ва бу транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантиришга кучли таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

**Самарқанд вилоятида иқтисодий фаолият бўйича кўрсатилган  
хизматлардаги транспорт хизматлари кўрсатишнинг улуши тўғрисида  
МАЪЛУМОТ<sup>12</sup>**

№	Хизмат турлари	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
1.	Хизматлар жами ҳажми, млрд. сўм	1739,9	2290,5	2995,0	4032,0	4273,1	4847,4	6060,0	6298,6
2.	Транспорт хизматлари кўрсатиш жами ҳажми, млрд. сўм	346,4	414,5	528,7	695,3	899,2	1018,2	1228,6	1360,5
3.	Транспорт хизматларининг жами хизматлардаги улуши (% да)	19,9	18,1	17,6	17,2	21,0	21,0	20,3	21,6

Хизматлар бозорини ривожлантиришда ва уни муҳим жиҳатларини ўрганишда турли усуллардан, жумладан, анъанавий таҳлил усулидан фойдаланиш асосида зарурий қиёсий таққослаш амалга оширилади. Шу боисдан ҳам, Самарқанд вилояти транспорт хизматлари бозорининг бугунги кундаги ҳолатини қиёсий таққослаш учун SWOT таҳлили усулидан фойдаланилди.


SWOT таҳлил натижаларига кўра, Самарқанд вилояти транспорт хизматлари бозорини ривожлантиришнинг кучли томонлари ва имкониятлари ҳамда заиф томонлари ва кутилаётган таҳдидлар илмий асосланган.

Таъкидлаш жоизки, транспорт хизматлар бозорида рақобатчилик муҳити шаклланган ҳолатдагина юқори транспорт хизматлари самарадорлигига эришиш мумкин. Шунинг учун бугунги кунда рақобатчилик омилни кучайтириш учун хизмат кўрсатувчи транспорт корхоналари сонини ошириш, хизматлар сифатини яхшилаб бориш, қулай ҳудудий бозор муҳитини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда, ижтимоий инфратузилманинг муҳим бўғинларидан бири, транспорт хизматлари инфратузилмаси алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада давлатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида ўтказилган Халқаро конференцияда таъкидлаганидек, “Давлатларимиз айнан яхши кўшничлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида ... транспорт-коммуникация ... масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади ... БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги самарали кооперация алоқалари 10 йил мобайнида минтақавий ялпи ички маҳсулотни камида икки баробар ошириш имконини берган бўлар эди.”<sup>13</sup>

<sup>12</sup> Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумоти асосида, муаллиф ҳисоб-китоблари асосида.

<sup>13</sup> Мирзиёев Ш.М. “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. Манба: [uza.uz](http://uza.uz)



**4-расм. Ҳудудий транспорт хизматлари кластери**

Бундай вазифаларни амалга ошириш учун Республикада транспорт хизматлари кўрсатишни замонавий асосда ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири кластер ёндашуви ҳисобланади ва тақлиф этилаётган ҳудудий транспорт хизматлари кластерининг асосий бўғинлари бўлиб, транспорт хизматлари истеъмолчилари, транспорт хизматлари субъектлари ва транспорт хизматларини таъминловчилар ҳисобланади (4-расм).

